



Инфляция динамикаси шарҳи

2021 йил октябрь



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Тошкент 2021 йил


2021 йил октябрь ойи ИНФЛЯЦИЯ ДИНАМИКАСИ ШАРҲИ

2021 йилнинг **октябрь ойида** истеъмол товарлари ва хизматлари нархлари **1,3 фоизга** ошди. Йиллик ҳисобда эса нархлар ўсиши **10,6 фоизни** ташкил этди.

Октябрь ойида умумий инфляция даражасининг ўсишига **озиқ-овқат** товарлари нархлари ошиши юқори таъсир кўрсатиб, гуруҳнинг оширувчи таъсири **0,8 фоиз бандни** ташкил қилди.

Ноозиқ-овқат маҳсулотлари (умумий инфляцияга таъсири **0,4 фоиз банд**), хусусан, ёқилғи, маиший буюмлар, кийим ва пойабзаллар, шунингдек, хизматлардан (умумий инфляцияга таъсири **0,1 фоиз банд**) соғлиқни сақлаш, ресторан ва меҳмонхона хизматлари нархи ўсиши умумий инфляцияни оширувчи асосий компонентлар бўлди.

1-расм. Асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўзгариши (ойлик, фоизда)



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари

Озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳида **гўшт маҳсулотлари** нархининг ойлик ўсиши 1,9 фоизни ташкил этди. Буни **парранда гўштининг** ошишига (3,6 фоиз) етиштирувчилар томонидан таклифнинг камайганлиги, озуқа-ем нархининг юқорилиги ҳамда иситиш харажатларининг мавсумий ошганлиги билан изоҳлаш мумкин.


Юқоридаги ҳолатлар **тухум** нархига (11,2 фоиз) ҳам оширувчи таъсирни сақлаб қолди. Шунингдек, ушбу маҳсулотнинг қўшни давлатларга фаол тарзда экспорт қилиниши ички бозорлардаги нархларга ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Бугдой унлари нархининг ошиши (биринчи навли - 2,0 фоизга, олий навли 1,4 фоизга) жорий йил мамлакатимизда бугдой ҳосилининг режага нисбатан кам бўлганлиги, Россия ва Қозоғистондаги қурғоқчилик туфайли ғалла ҳосилининг прогноз кўрсаткичларига етмаганлиги, шунингдек, ушбу давлатлардан экспорт божи тарифларининг ошиб бориши билан изоҳлаш мумкин.


Жорий мавсумда **картошка** ҳосилининг юқори унумдор далаларда ҳам кутилганидек бўлмаганлиги, (*бунга ҳосилга киргунга қадар картошка уруғининг зарарланиши*), қўшни давлатларда ушбу маҳсулот улгуржи нархларининг баландлиги ҳамда импорт қилишда юк ташиш харажатларининг қимматлашиши маҳаллий бозорларда картошка нархининг (*ойлик 14,9 фоизга*) қимматлашишига сабаб бўлди.

Таъкидлаш жоизки, октябрь ойида **гуруч, банан, олма, анор, узум** ва **лимон**, шунингдек, сабзавотлардан **сабзи** ва **лавлаги** нархлари ўтган ойга нисбатан арзонлашди.

2-расм. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари инфляцияси (ойлик, фоизда)



3-расм. Хизматлар инфляцияси (ойлик, фоизда)



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари

Октябрь ойида ноозиқ-овқат товарлари нархининг ўсиши 0,4 фоиз бандга тезлашиб, 1,1 фоизни ташкил этди.

Дунёда муқобил энергия ресурслари етишмаслиги билан боғлиқ муаммолар шароитида ёқилғи маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиб бориши ва жаҳон бозоридаги нархининг ўсиб бориши ички бозорда **ёқилғи маҳсулотлари** нархига оширувчи таъсир кўрсатди. Хусусан, **автомобиль бензини** нархи октябрь ойининг ўзида **13,5 фоизга** ўсди.

Жаҳон бозорида хомашё нархининг қимматлашиб бориши билан бир қаторда, ярим ўтказгичлар ва контейнерларнинг етишмаслиги, транспорт ва логистикадаги муаммолар ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш харажатларининг ошиб кетиши импорт маҳсулотлари, жумладан, **кийим-кечаклар** ва **маиший товарлар** нархига оширувчи босимни сақлаб қолмоқда. Октябрь ойида **кийимлар 0,8 фоизга** ўсган бўлса, **маиший техника буюмлари – 1,8 фоизга** қимматлашди.

Айни пайтда ички бозорда цемент ишлаб чиқариш ҳажмининг ошаётганлиги ва импорт бўйича божхона божларининг ноль ставкалари сақланиб қолиши цемент нархининг қурилишлар мавсуми бўлган октябрь ойида ҳам **0,9 фоизга** пасайишига хизмат қилди (*йиллик ҳисобда 9,2 фоизга пасайган*).

Хизматлар гуруҳида нархларнинг ойлик ўсиши 0,5 фоизни ташкил этди (сентябрь ойида 1,6 фоиз).


Ушбу даврда ёқилғи маҳсулотларининг қимматлашиши, ўз навбатида, озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш хизматлари нархининг (0,97 фоиз) ошишига олиб келди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган ойда иш ҳақи тўловлари оширилишининг хизматлар инфляциясига оширувчи таъсирлари қисқариб бормоқда. Жумладан, таълим, меҳмонхона хизматлари, маиший буюмларга хизмат кўрсатиш, почта ва курьерлик хизматлари гуруҳи нархлари ўсиш тенденциялари сентябрь ойига нисбатан бироз секинлашгани кузатилди.

Базавий ва қисқартирилган инфляция

Октябрь ойида базавий инфляция **0,8 фоизни** ташкил этиб, йиллик ўсиши **9 фоизга** тенг бўлди. Бунда базавий инфляциянинг умумий инфляцияга оширувчи ҳиссаси **6,8 фоизни** ташкил этди¹ (2018 йилдан бери энг паст кўрсаткич).

3.3-расм. Базавий ва қисқартирилган инфляция динамикаси



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари

Шунингдек, қисқартирилган инфляциянинг² йиллик ўсиши **7,4 фоизни** ташкил этди. Умумий ва қисқартирилган инфляция ўртасида тафовутнинг ўтган ойга нисбатан **3,2 фоиз бандга** кенгайганлиги (йил бошида тафовут 1,6 фоиз банд) айрим истеъмол товарлари нархларида мавсумий юқори қимматлашиш билан изоҳланиши мумкин.

¹ **Базавий инфляция** – мавсумий ва маъмурий хусусиятга эга бўлган алоҳида товарлар ва хизматлар нархларининг (мева-сабзавотлар, ёқилғи, йўловчи транспортининг алоҳида хизматлари, алоқа хизмати, уй-жой коммунал хизматлари ва бошқалар) ўзгаришини ҳисобга олмаган ҳолда ҳисобланган инфляция.

² **Қисқартирилган инфляция** – энг юқори ва энг паст нарх ўсишига эга бўлган 10 та товар (хизматлар) гуруҳларини мос равишда истисно қилган ҳолда ҳисобланган инфляция.